

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

- Олтита келин тушириб, икки қизимни чиқардим. Худога шукр, ҳаммаси ўзи билан ўзи тиниб-тинчиб кетишган. 42 та набираю бир эваранинг бувижонисиман, - дейди Тошкент Шаҳар Юнусобод туманидаги Файратий кўчаси, 110-хонадонда яшовчи Мусаллам ҳожи она. - Раҳматли қайнонам ҳўп қайвони аёл бўлиб, тўй-маъракаларда ўз ўринлари бор эди. Биз асли узоқ қариндош бўлганимиз учунми, мени ўз қизларидай суйиб, ютуғимни мактаб, камчилигимни юзимга солмай, йўл-йўриқ кўрсатардилар. Раҳматли қайнотамни эса: "Болам", деб оғизларидан бол томарди. Шуларнинг панду насиҳатларини олиб, кам бўлганимиз йўқ. Мана бу нафсни тийсангиз (томоқларини кўрсатадилар) молнинг туғи, товуқнинг сони кўпаяркан. Мева-чева, полиз маҳсулотларини ҳам ўзимиз

етиштираимиз. Кўраясизми, кирим кўп, чиқим фақат кийим кечагу ширинликларга. Сиз боя: "Ўглингиз қаерда ишлайди", деб сўрагандингиз. Сездим, туриш-турмушимиз, дастурхонимизга қараб, "Ўгли каттароқ лавозимда ишласа керак", деб ўйлагансиз. Мен сизга айтсам, ўғлим ҳам кўп қатори оддий ишчи. Адаси раҳматли ҳайдовчи эдилар. Мен эса новвойлик қилдим. Аввал 1-2 қоп, кейинчалик болаларим ёнимга кириб, бир қунда 5-6 қоп ун ёлиб, нон сотардим. Бири хамир қорса, бири ясарди, бири эса нонга намлар урарди. Икитаси чиқариб сотиб келарди. Мен рўзгорнинг бир тарафини болаларим билан кўтардим. Мана болам, хайру барақа қаердан келади. Ўғил-қизларим ҳам, келинларим ҳам гапимни икки қилишмайди. Шукр, оилалари тинч, ўзлари ахил, рўзгорлари бут.

- Фарзанду келинларингиз ҳақида гапирганда оғзингиздан бол томаяпти.

- Болаларим барчаси деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланишади. Бундан ташқари гул ҳам ўстириб сотишади. Қишин-ёзин тиним билишмайди. Келинларимнинг бари меҳнаткаш, ширинсухан. Ҳар қандай ишда овсинларнинг гапи бир жойдан чиқади. Тотувлик бор жойга фаршталар ҳам кўнади, болам.

- Ҳожи она, ҳаж сафари таассуротлари ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз?

- Ҳўжайиним билан учинчи сафар борганимизни гапириб берай. Борганимизнинг иккинчи куни ҳўжайиним иштахаси бўғилганини айтдию, аммо бирор жойим оғрияпти, деб шикоят қилмади. Шу ердagi шифокорлар текшириб кўриб, ҳеч қандай касаллик

топиша олмади. Учинчи куни эса уйқуга кетдилару қайтиб уйғонмадилар. Ўзбекистондан борган меҳмонлар расмусларимизни қилиб қабрга қўйдилар. Уйга бир ўзим қайтиб келдим. Бу воқеага ҳам салкам 4 йил бўлиб қолди. Раҳматли ҳўжайиним яхши одам эдилар. Оилада ҳам, маҳаллада ҳам ўрнак эдилар, - дея ҳожи она дастурхонга тикилганча ўйга чўмдилар.

Мен бу табаррук онахоннинг хаёлларига ҳалал бергим келмади. Онахон бош бўлиб турган оиладан кўнглим тўлди. Йўлда кела-кела бу ташрифига ҳулосани халқимизнинг: "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деган нақлидан ортиқроқ гап топа олмадим.

Тоҳир НОРИМОВ

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

ШИФОКОРЛАР СУЛОЛАСИ



Шифокор Ҳтегеновлар оиласи бекаси, малакали терапевт-кардиолог Гулбаҳром Шамоновани суҳбатга тортаман.

- Отам урушга жўнаганларида эндигина, ёшдан ошган гўдак эканман, - дея ҳикоя қилди она. Отамдан келган бир парча қора хат, онамнинг қўли-

дан тушмаган суратлари, айтиб чарчамаган хотиралари қолди. Суратидан ҳам кўриниб турибдики, отам бақувват, барваста ва келишган одам бўлган. Онамнинг қўлида уч қиз қолганмиз. Афсуски оналарим бу ҳаётни жуда эрта тарк этишди. Онам бошқа турмуш қилмади, бутун умри, кучи, билимини менга, келажагимга, оилам ва болаларимга бағишлади. Онамни маҳалладагилар суйиб, Қарима она дейишарди. Гулбаҳром она тиббиёт институтининг даволаш факултети битирди. Таҳсил даврида ўз бахтини топди. Уттиз беш йилдан буён Нурлибес

Ҳтегенов билан бир ёстиққа бош қўйиб келишаяпти. Гулбаҳром Шамонова нафақага чиққунга қадр ўз иш фаолиятини пойтахтимиздаги "Ботаника" соғломлаштириш масканида кардиолог сифатида давом эттирди. Чарчаш нималигини билмади. Оила, болалар ташвиши ва қувончларини касбининг заҳматлари билан баробар кўтарди. Оиламиз шифокорлар оиласи. Умр йўлдошим ўттиз йил Педиатрия институтида болалар жароҳи бўлиб ишлади, талабаларига сабоқ берди. Шу соҳада фан номзодлигини ёқлади. Айни чоғда докторлик ишини давом

эттириб, Нукус Давлат тиббиёт институти филиалида ишламоқда. Меҳнаткаш, билимдон, қобилиятли. Кам гапириб, кўп ишлашни ёқтиради.

Бу оила - тўқис оила. Беш нафар ўғил-қиз вояга етиб, ўз ҳаёти ва йўли билан яшамоқда. Тўнғичлари — уч фарзанднинг онаси Майраҳон Қибрай туман молия бошқармасида ишламоқда. Қолганлари тиббиёт соҳасида меҳнат қилишади.

Гулбаҳром она билан гаплашиб тўймайсиз. Ёши 60 дан ошган бўлса ҳам ҳали тетик, соғлом, чертиб-чертиб гапирди. Кўзидаги, озидаги, сўзидаги босиқлик ва маъно босиб ўтилган машаққатли йўлдан гувоҳлик бериб турибди. На-

фақада ўтирибман, демайди. Болалари, келинлари, неваралари, маҳалла-қўйнинг яхши қувончлари билан елиб-югуршдан роҳат топади.

- Нимагаки эришган бўлсам, оиламга ва касбимга садоқат, ҳаётга ва келажаққа ишонч, одамларга меҳр ва оқибат, бари-барисини онамдан ўргандим. Уларнинг руҳи шод, жойлари жаннатда бўлсин! «Одамларга фақат яхшилик қил, таъмагир бўлма. Маҳалладан чиқма, у сенинг Ватанинг», дердилар онагинам. Мен ҳам болаларимга онамнинг ана шундай ўғитларини ўргатаман, - дейди Гулбаҳром она.

Ойгул СУЮНДИҚОВА
Тошкент шаҳри

УМРБОҚИЙ МУҲАББАТ



Одамлар, авайланг бир-бирингизни,
Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак.
Саида ЗУННУНОВА

Меҳрихон АШУРОВА, Саида Зуннунованинг дугонаси ва курсдоши:

- Саидахон билан олийгоҳда бирга ўқирдик, қалин дўст эдик. Андижонда бўлган ёш ёзувчилар конференциясида Фафур Фулом Саидахоннинг бир шеърини ўқиб қолиб: "Саида, Тошкентга - университетга кел, ўқи", - дебдилар. Шу туйғуни Саидахон Тошкентга ўқишга келадиган бўлдию, мен ҳам унга эргашдим. Фафур Фулом 1-курсдалигимизда Саидахоннинг "Кизингиз ёзди" деб аталган биринчи китобини чиқаришда ёрдам бергандилар.

Фафур Фулом Саид Аҳмад ака билан Саидахоннинг оила куришларига ҳам бош-қош бўлгандилар. Шундан сўнг Саидахоннинг ижоди янада камол топди. Аммо Саид Аҳмад репрессияга учраган, Саидахоннинг бошига қора кунлар тушди.

Саидахоннинг иродасини қаранг, Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашди, шеърлари босилмайдди, ҳеч жойга ишга ҳам олишмайдди, пули йўқ, Саидахонга: "Саид Аҳмаддан кечмасангиз, ёзувчилик қилолмайсиз", дейишса, ёзувчилик билетини стол устига ташлаб, мағрур чи-



Сувратда: Саида Зуннунованинг қизи Нодира (чагдан биринчи), неваралари ва синглиси.

қиб кетган. Мен ўшандоқ кунларида Саидахоннинг ёнида бўлганим учун у дамларни йиглаб-йиглаб эслайман...

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири:

- Биз унутилмас шоирамиз — Андижоннинг сеvimли фарзанди Саида опамизни ҳар дақиқада, ҳар куни эслаймиз. Биз дала ховлида Саид Аҳмад ака билан кўшни тураимиз. Бир ҳаводан нафас оламиз. Саид Аҳмад ака билан ҳар кўришганда хаёлимдан лоп этиб албатта опамизнинг қиёфалари ўтади. Инсон ўтиб кетганидан сўнг кимдир эсласа, бу — бахт, лекин бутун бир халқ хотирлаб эъозласа, бу энг олий бахтдир. Саида Зуннунова ана шундай олий бахтга мушарраф бўлган ижодкордир.

Мустақиллик бизга нималарни қайтариб берди, деганда жуда кўп қадриятларимизни санаб ўтамиз. Лекин бундоқ қараганимизда мустақиллик бизга Саида опамизни ҳам қайтариб берди. Саида опа тақдирида 20-аср ўзбек адабиятининг, ўзбек шоирининг, ўзбек аёлининг босиб ўтган йўлини тимсол сифатида кўришимиз мумкин. Катагон йилларида Саид Аҳмаддан воз кечмагани учун Саида опани таъкиб остига олдилар, наинки шоирани, балки аёлни — онани таъкиб этдилар. Шунинг учун Саида опанинг шеърларида нолакорликни ҳам кўрамиз, исёни ҳам кўрамиз, мардонавор, андижонча мардлики, қаноатни, чидамни кўрамиз. "Қаноатда Саида филча бўлурми ҳай-ҳай", деган мисралар

шунчаки ўйлаб топилган шеърини образ эмас. Улар Саида Зуннунованинг қалбидан отилиб чиққан, ҳаётдан олинган ширдор.

лан мана шу гоёнинг ибратини берди бизга. Саида Зуннунова асарларининг қиммати, улуглиги ҳам мана шунда. Саид Аҳмад Саида Зуннунова ҳақида

ни ўқганимда, "Иш кабинетим йўқ, ошхонада ёзаман", деган сўзларини эслайман. "Нодирахонга магазин нонини бермайман, ўз қўлим билан нон ёпиб берман", - деганларини эслайман. Катта муҳаббатнинг, машаққатлараро, ҳижронларо топилган дийдордан берилган бир ажойиб тансиқ мевадек эди қизлари Нодира Саида опа учун.

Тулан НИЗОМ, шоир:

- Биз "Саодат" журнали билан ташаббус қилиб чиқиб Бўз туманидаги коллежга Саида опанинг номини бердик. Кейинчалик опанинг ҳайкали қад ростлади. Андижонга босиб келадиган ҳар бир ижодкор Саида опа билан гоёибона суҳбатлашиб, унинг пойига гул қўймай кетмайди.

Агар Саид Аҳмад аканинг дала ховлисига борсангиз кираверишда чап томонда бир туп оқ гулни кўрасиз. Қачон борсам, Саид Аҳмад ака шу гулга термулиб ўтирадилар. Оппок, беғубор, ажойиб гул. Бир куни Саид Аҳмад акага: "Шу гулнинг ниҳолдан кўчириб беринг", дедим ва ниҳолни уймага олиб келиб экиб қўйдим. Ва кейинчалик "Оқ гул" деган дoston ёздим. Бу дostonда мен Саида Зуннуновадек ажойиб шоиранинг тақдирини ёритишга ҳаракат қилдим.

Турсуной СОДИҚОВА, шоира:

- Инсон агар замондошлари томонидан тан олинса, жамоатдошлари ўртасида ўзининг ўрни бўлса, ўз овози бўлса, унга ўшайдиганини топиш қийин бўлиб қолса, шахс даражасига етган бўлади. Шахс даражасига эришиш бир муҳр билан, мукофот тарзида, имтиёз тарзида берилмайди. Саидахон опа шахс даражасига кўтарилган улкан адиба, шоира эдилар.



Саид Аҳмад китобхонлар даврасида.

Иброҳим ГОФУРОВ, адабиётшунос олим:

- Агар қахрамонлик матонатдан тугилса, Саида Зуннунова матонат тимсоли эди, агар қахрамонлик иродадан тугилса Саида Зуннунова ирода тимсоли эди, агар қахрамонлик нафосатдан тугилса Саида Зуннунова нафосат тимсоли эди. Саида Зуннунова адабиётда Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби улкан сиймолар яшаётган даврда, халқни етаклаётган, ўз асарлари билан халқнинг кўрагига қуёш ёғдуларини ёғдираётган бир замонда адабиётга кириб келди. Ва ўшаларнинг дуоси билан адабиётнинг катта йўлига қадам қўйиб, ўз ўрнини топа олган эди. Буларнинг ҳаммасига жуда катта кураш билан, ҳақиқий қахрамонларга хос матонату ирода, нафосат билан эришилган. Мана, Саида опа ўтганлари 25 йилдан ортиқ вақт бўлди. Лекин Саида опанинг яратган асарлари, яратган образлари, адабиётга олиб кирган оҳанглари, симфониялари қалбимизда, онгимизда, рухониятимизда яшайди, тирик. Ва бундан кейин ҳам мен ўйлайманки, Саида опамларнинг асарлари ҳамиша бизга ҳамроҳ бўлади.

Мен Саида Зуннунованинг танланган бир томлик асарларини қайтадан нашр қилишда иштирок этдим. Саида опа тирик эканлигига, ҳеч қачон орамиздан кетмаганлигига, ўзининг образлари, тимсоллари билан биз билан бирга яшаётганлигига шу китобни қайта ўқганимда амин бўлдим.

Саида Зуннунова бутун ижоди билан, ҳаётга муносабати билан ўзбек аёлининг муштипар, муте бўлиб қолмаслигини истарди. Мана шу туйғуни, мана шу гоёни - ўзбек аёлининг руҳини кўтариш, ўзбек аёлини курашчан, яшовчан қилиш ва қарамликдан халос қилиш гоёсини барча асарларида акс эттирди. Ва ўзи ҳам бутун ҳаёти, фаолияти би-

жуда гўзал асарлар ёзди. Саид Аҳмад қаламига мансуб барча гўзал аёлларнинг тимсоллари худди Саида Зуннуновадан андаза олиб яратилгандек туюлади менга.

Адабиётимизда мана шундай гўзал, тенгсиз шоирамиз, адибамиз борлиги билан ва улarga изма-из ўнлаб гўзал қалам соҳибалари ижод қилаётганидан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди.

Адиба ОЛМОС (Фафур Фулом қизи):

- Саида опам бизнига келиб юрган вақтлари жуда нозик-ниҳол, шунақа чиройли, кийган қўйлақлари ўзига ярашиб турган 17-18 ёшли қиз эдилар. Дадамларга шеърларини олиб келганларида менга аёлларнинг ҳам шеър ёзиши



Ижодкорлар ва мухлислар...

мўъжиза бўлиб туюлган.

Саид Аҳмад ака ҳам худди акамдек эдилар. Саида опам чидамли аёл бўлгани учун, муҳаббатлари кучли бўлгани учун бошларига тушган барча қийинчиликларни енгдилар. Лекин, афсус умрлари қисқа экан. Саид Аҳмад ака мана 25 йилдирки Саида опамга ҳамон меҳр-муҳаббатларини, вафою садоқатларини изхор этиб келаяптилар.

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоираси:

- Саида опа Фафур Фулом, Ойбек, Шайхозода каби адабиётимиз даргаларининг тарбиясини олган, ўшаларнинг ақидаларига амал қилган, ўшаларнинг йўриқларини йўриқ қилиб олган ажойиб шоира, ёзувчимиздир. Саида опанинг шеърлари-

Устоз Саид Аҳмад, "Саида ҳақида ўйла-сам, сўзласам ҳар гал уни янгидан кашф этгандек бўлаверман", - дедилар. Дарҳақиқат, Саид Аҳмаднинг Саида Зуннуновага бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати, вафоси адибнинг ёзган ва ёзаётган, ёзилажак асарларида аксини топавериши табиий. Чунки чин муҳаббатнинг умри абдийдир. Анжуман сўнггида сеvimли ёзувчимизга мен ҳам ўз тилагимни шундай изхор этдим: "Илоё умрингиз узоқ бўлиб, Саида опага бағишлаб меҳр-муҳаббат, садоқат ҳақида гўзал бир роман ёзиб, халқимизга тухфа этинг..."


Дилбар САЙДОВА тайёрлади



Избосканлик аёллар... Улар Саида Зуннунованинг, шунингдек, «Оила ва жамият»нинг ҳам чин мухлислари эканликларини қайта-қайта таъкидлашди.



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири



АЗИЗИМ, БАХТ ҚАЙДА?..

Атрофимда дунё ваҳшат солар,
Юрагимда эса аждархо - оханг...
Азизим, энди фақат фожеа қолар -
Сен ҳам кетсанг.

Дунёни "ёлгончи" де - тонмайди,
Унда қалбим топган ёруғ чин - ўзинг.
Сен ҳам кетсанг, ҳеч нарса қолмайди -
Фақат сўзим!.. Беомон сўзим.

Жонимдан айирган ҳақиқатсан аини,
Сенсан - Момо Ҳаводан қолган гуноҳ.
Сен ҳам кетсанг, ҳеч нарса қолмайди -
Фақат арзимас бир дунё.



Тонг чоғи тун билан кундуз учрашди,
Тунда армон билан юлдуз учрашди,
Баҳор билан кузак - бахтхуш учрашди,
Тошлар учрашдилар, биз учрашмадик.

Булут замин билан йиғлаб учрашди,
Шамол куртакларни илғаб учрашди,
Висол хижрон билан минглаб учрашди,
Ёшлар учрашдилар, биз учрашмадик.

Ўлик зил тупрокни отди кўтариб,
Ғофил тирикларни топди ахтариб,
Йўқлик ва борликни оралаб, ғариб -
Бошлар учрашдилар, биз учрашмадик.

Сархуш ари билан учрашди гуллар.
Эрка шодлик билан учрашди мунглар,
Нигоҳлар, бағирлар, лаблару қўллар,
Қошлар учрашдилар, биз учрашмадик.

Ёнингда турибман далли девона,
Ёрим-а, кетдимни ишқ ёна-ёна?
Мен сени кучаман... Совуқ, бегона -
Лошлар учрашдилар, биз учрашмадик.



СЎНГГИ УЧРАШУВ

Авал хайрон қолдинг, қувондинг, кулдинг,
Жим қотдинг. Кўзингга ёш олдинг бирдан.
Сўнг бегонадай менга термулдинг,
Йиғи нуқси урган нигоҳинг билан.

Хавотир ичингда дединг: "Мен кетдим..."
Тўхтадинг. Хўрсиндинг. Жўнадинг шитоб.
Кузги чорбоғ аро йўқолдинг, йитдинг,
Атлас либосларга беланган сароб.

Авал хайрон қолдим. Бепарво кулдим.
Жим қотдим. Гўдақдай йиғладим бирдан.
Сўнгра бегонадай кўкка термулдим -
Мен ҳануз фалакка бегонадайман...

Дунёда байрамми?
Дунёда - байрам!
Гуллаган либослар
Тикмоқда кўккам.

Эритиб февралдан
Қолган доғларни,
Ёмғирлар ювмоқда
Боғу - роғларни.

Меҳмон ёмғирларга
Булутлар тўшаб,
Чақмоқ фалак узра
Отмоқда мушак.

Даштлар — ям-яшилдир,
Дашт — алвон-алвон,
Уч ойлик яшиндир
Жумлаи жаҳон.

Баҳорга бесабр
Киради тағин -
Эллик бир яшинда
Ёнган юрагим...



1
Дунё адашиб кетди
Туманларнинг ичида.
Арвоҳлар каби кезар
Даракларнинг сояси.
Осмон шарпаси тегди
Сочларингнинг учига,
Юрагингни забт этди
Сирларнинг ҳикояси.

Эҳтимол шу атрофда
Туман оралар кундуз —
Фаришталар теграндга
Жим-жит қоқмоқда қанот...
Мўъжизавор ҳолларга
Чўлғонса пари кундуз -
Тушдагидай нозикдир
Бехол тўзгинган ҳаёт.

Бу онларда руҳингнинг
Чексизлигин сезасан,
Аммо қафасга солди
Уни қайси доимот?
Туманларга айкашиб,
Дунё каби кезасан -
Парвардигор яратган
Энг асрорли коинот.

2
Туман тарқар. Олисда
Аниқ кўринар тоғлар,
Зумрад даштнинг устида -
Товланар Ҳасан - Хусан.
Боғларда ёрқин болқир
Япроқлар бутлоқлар...

Ёлғиз ўзинг бир ҳовуч
Туман каби турасан.

МЕН СЕНИ ГУЛЛАРГА ЯШИРДИМ, ДЕВДИМ...

Боққа баҳор қайтар...
Кипригингми хўл?
Азизим, бахт қайда?
Азизим, бахт қайда?..
О, фақат саргайма -
Гулламоққа кўн!

Гул каби уйғону
Гулларга чўлгон.
Дунё - гулкор чолғу,
Дунё - гул хор ёҳу,
Сен билан тўлғон у,
Сен билан тўлғон.

Қиш ўтди - баҳорнинг
Кузга видоси...
Боққа гул тақар ким?
Ёмғирда оқар ким?
Осмонни ёқар ким -
Кимнинг нидоси?

Жонингни шаробдай
Ўртади дунё -
Бу қизгин гуллашда
Ифтихоринг йўқ.
Сен билан яралгим
Келмоқда, ёр-о,
Танингда таралгим
Келмоқда, аммо -
Энди кўкармоққа
Ихтиёрим йўқ.

Алвидо!.. Алвидо!
Жондан азизим!
Нега бунча мушкул
Бу мангу завоқ?
Мен сени гулларга
Яширдим девдим,
Мен сени ҳаётга
Топширдим девдим -
Аммо баҳор ичра
Турибсан маҳзун
Куздан учиб келган
Япроқдай бехол.

Кам юрак бўлдимми,
Кам армон бўлдим -
Тангрига етгучи
Фарёдим йўқдир.
Кам хазон бўлдимми,
Кам тамом бўлдим,
Балки куздан баттар
Бир замон бўлдим -
Биргина севгимнинг
Бунёди йўқдир.

Боққа баҳор қайтар -
Қандай тирик ҳол!
Азизим, бахт қайда?
Азизим, бахт қайда?..
...
Бахт йўғу бу дунё
Гуллар бемалол!



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

Ҳақиқий муҳаббат келса, у бутун вужудни,
руҳиятни, кишининг ранг-тусини эгаллаб
олади, унинг изҳори шу, сўзга ҳоҳат йўқ.
Мана ўша шеър:

Нигоҳингиз мени майдалаб ташларди,
Тиркираб кетардим рўпарангизда.
Бирдан бору йўғим ярашмай бошларди,
Жой топпай қолардим қочгани сиздан!
Жисмиим унутарди табиий тарзини,
Бу бийрон тилларим муз бўлиб тўнарди.
Ё сўзлар кетарди ўнг қолиб, терсини,
Ақли бир тентак бўлардим-қолардим!
Шунда,
Қайтадан топмоқ учун бийрон сўзимни,
Сезмоқ учун яратғич қўлларинг кучин,
Кўрай деб аслимдай ўзим ўзимни,
Хуллас, қайта бутун бўлмоқлик учун,
Бир машъум чорага журъатим етди -
мен сиздан кетдим...

Дунёдаги жами мавжудот ҳароратга тал-
пиниб яшайди. Муҳаббат ҳам мисли қуёш
каби нур манбаидир...

Кунлардан бир кун мўъжиза рўй беради.
Одамлар орасидаги бир кишидан сизга нур
тушаётганини туясиз. У бутун жисму жонин-
гизга ёйилади ва шу нур ичида умрингизда
биринчи бора ўзингизни ўзингиз кўра бош-
лайсиз. Бу галати нур, бу муборак нур жами
каму кўстингизни титкилаб, юзга олиб чи-
қади. Жонингизда қаттиқ уят туйғуси уйғо-
нади. Жон-жаҳингиз билан ўзингизни соза-
лашга тушасиз. Биров билмаган айбларин-
гиз, яширин хатоларингизни ювишга туша-
сиз. Табиатингиз ҳалим тортади. Ичу тошин-
гизда ЯХШИЛИККА мойиллик содир бўлади.
Ҳалиги нур сизни тинмай таъбиб этаверади,
дилигизни ёритгандан-ёритаверади.
Бора-бора ҳаётингизда ИНҚИЛОБ юз беради!
Одамлар сизда шу кунгача бўлмаган янги
фаслни кўра бошлайдилар, энди СИЗ АТ-
РОФГА ХАМ ЁҚА БОШЛАЙСИЗ!

У муборак нур МУҲАББАТДИР!
Сиздаги содир бўлаётган ўзгариш эса
ПОКЛАНИШДИР!

Ҳақиқий ишққа йўлиққан кишигина поғо-
нама-поғона покланиб боради. Ва у поклан-
ган сари заминга қараб эгилиб боради.
Эгилган сари эса атрофда ўзидан кўра минг
марта аълоқор неъматлар борлиги, ўзади-
ги фазл уларнинг олдида ҳеч нарса эмас-
лигини англаб боради...

Инсоннинг иқлими шундай, кўнгли кўйган
одамини аслидан кўра ортиқроқ баҳолай-
ди, тинмай унда афзалликлар кашф этади,
ҳар бир сўзи ва ишидан мўъжиза қилдиради
ва топади ҳам. Кўнгли кўйган кишинини
чўққига ўзи олиб чиқиб қўйиб, ўзи унинг
пойига хокисор йиқилади, унга нолойиқман,
деган андиша кўнглига келаверади. Ана
ўшандан кейин зўр бериб ўзини олиб
қочшига тушади. Рўпара келса, мувозана-
тини йўқотади, ўз вужудини сочилиб, май-
даланиб бораётгандай ҳис этади. Бу ҳаргиз
камчиликларим ошқор бўлаверса ёқмай
қоламан, деган қўрқув эмас! Шундоқ буюк-
ликни меники бўлсин, деб даъво қиля-
манми, деган андиша бу! У - қуёш, мен зар-
раман, яқин келса, эриб йўқ бўлиб кетаман,
деган хавотир бу! Мана шу ҳолат муҳаббат
содир этган БУЮКЛИКДИР!

Хали ишқнинг баҳосини топмади дунё,
Сиз ишқдан-да баланд, ишқдан поизи бир таъ!
Кимман ахир, асли сизга буюқлар раво,
Ушоққина елкам узра сиз кўп оғир бахт,
- деган юрак ПОКЛАНГАН ЮРАҚДИР!

Дейлик, "севдим" деган кимса гуноҳлар
содир этса, дилдорлик ёки хиёнат қилса,
мен шу қизга уйланишим ёҳуд шу йигитга
турмушга чиқишим шарт деса, тамом, у му-
ҳаббат эмас! У - шунчаки ёқтириш! Ёқти-
ришининг эса сони кўп. Муҳаббат бетакрор,
муҳаббат биттадир!

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)
Турсуной СОДИКОВА

САБР-БАРДОШЛИ, ПОК ИНСОН ЭДИ

Қайнонам, яъни онажонимиз Хидо-
ятхон ая Аҳмедова ўттиз йилдан ор-
тиқ Фарғона ипакчилик корхонасида
фаол ишлаб, ҳурмат - эътиборга са-
зovor бўлган эди. Шафқатсиз ўлим
2001 йилнинг 18 апрелида бизни
онамиздан айирди. Биз фарзандла-
ри тез-тез онамизни эслаб, у киши-
нинг берган ўғитлари, қизиқ-қизиқ
ҳикояларини ёдга олиб соғинамиз, ва
соғинчдан юракларимиз эзилаверади.
Онамиз қандай олижаноб, меҳмондўст
эди. Лекин "Дўст ачитиб гапирарди"
деган мақолга амал қиладиган инсон
бўлганлигини, ҳозирги ёш оналари-

мизга ўрнак бўладиган фазилатлари-
ни алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Онамизни 24 ёшларида отам ташлаб
кетган экан. Онам тўрт нафар фарзанди
билан қолган. Энг каттаси 6 ёшда, энг
кичиги эса ҳали ту-
ғилмаган. Онамиз
бошқа турмуш қур-
май, мана шу 4 нафар фарзандни оқ
ювиб, оқ тараб катта қилди, отам бўлса...
Онажоним кеча-кундуз меҳнат қилиб,
фарзандларни ўқитиб, олий маълумот-
ли қилиб, уйлантириб, жойлаб ўз бур-
ларини бажариб қўйганлар. Бугун 4 фар-
занди, шунингдек, уч келину бир қуёви,

ўн икки нафар набиралари халқ хизма-
тида.

Онажонимизни ҳазиллашиб Фармон-
биби ёки "Генерал она", деб атардик.
Маслаҳатгўйимиз, дардларимизнинг
малҳами, ҳар қандай
қийинчиликка бар-
дошли, пок инсон
эдилар. Фарзанду набиралар, чева-
раларга бош-қош бўлган онажонимизнинг
охиратлари обода, руҳлари доим ма-
дадкор бўлсин.

Хотира — муқаддас

Сафурахон МҶМИНОВА

Фарғона

УНИМА УЧКУНЛАРИНИНГ СЎНМАСИ

Попукдеккина қизчани етаклаб бир жувон кириб келди. Саломига алик олиб, «келинг синглим», - дея бўш ўриндикқа ишора қилдим.

У тўртинчи қаватга чиқиб келгани учун ҳали нафасини ростлаб ололмаётганидан рўмолчасини сумкадан олиб, пешонасини артган бўлиб менга юзланди.

- Ака, одамларда инсоф қолмабди. Озлар-ёздлар Озода Нурсаидова концертга борганимди, мириқиб концерт кўриб келасанман-да, - деди кинояли оҳангда.

- **Ҳа, нима бўлди, концертга киролмадингизми?**

- Кирдим, емаган сомсага пул тўладим-да. Билет қолмаган экан. Ўша ерда сомса сотиб ўтирган бир аёл мени залга киргизди, қўлимдан 6500 сўм пулимни олиб: "Шу ўриндикқа ўтириб туринг, мен ҳозир билет топиб келаман", - деб чиқиб кетдию, шу кетишда кўннинг расминини чиқиб кетди. Мен ўтирган ўриндикнинг эгаси келиб мени тургазиб юборди. Концерт туғанича қизим иккаламиз тик оёқда турдик. Аламимдан тўғри шу ерга келдим.

- **Ички ишлар ходимларига мурожаат этмабсиз-да...**

- Э унақаларнинг таъзини Худо берсин. Менинг пулимни ёмон кунларида ишлатсин, илоё,- деди аёл ичи тутаб кетаётганини юзага чиқариб. - Етимнинг ҳақи тешиб чиқади ҳали.

Гап мавзуи 180 даражага бурилиб кетгани мени қизқиртди.

- **Нима, болаларингизнинг отаси... - деб оғиз жуфтлагандим, гапини илб кетди.**

- Икки болани отасиз ўстирялман, дардимни эшитишга вақтингиз борми, йўқми,- деди.

- **Гапиринг, майли,- дедим мен.**

- Нимасини айтиш ака. Назаримда одамлар қўлларини битиз қилиб: "Ана у иккита эрдан чиққан", дегандай бўлаверади менга. Биринчи марта турмушга чиқганимда ҳамширалик қилардим. Тўйимдан кейин ишга чиқишга шариот бўлмади. Чунки эрим ўқишда эди. Рўзгор ишидан ортмасдим. Эрим баъзан уч ойлаб уйга келмасди. Келинлик даврим кутиш билан ўтди. Шу орада бир фарзандли ҳам бўлдим. Эрим ўқидан келиб энди бағрим тўлиб қолганда, фалокат оёқ остидан чиқиб, бир томини фалаж бўлиб қолди. Уч-тўрт йил унинг юзига қараб эзилди яшадим. У яхши бўлди-ю, менинг юрагим санчиқдиган бўлиб қолди. Шифокорлар ётиб даволанишимни тавсия этишди. Қайнонамга эса баҳона топилди.

"Ўғлимга касал хотин керак эмас, онаси ўлмаган ўн саккиз ёшли қизни олиб бераман", деб кўнглимга озор берарди. Эрим фалаж бўлиб қолганида: "Менга касал эр керак эмас, демагандим-ку, ака", - дея кўзларига ёш олди аёл.

Шундай қилиб, биз ажрашдик. Мен онамникида яшай бошладим. Онам: "Битта қиз билан ёлғиз ўтасанми, болам?", - деб кистайверган яна турмушга чиқдим.

Иккинчи эрим ҳам сўнги пайтларда: "Қизингни онангникига бериб юборсанг сен билан турмуш қиламан", - деб шарт қўя бошлади. Мен бунга қўна олмадим.

Шу тарихи иккинчи турмушим ҳам бузилди. Икки эрдан, икки болани орттириб одамларга масхара бўлиб қолдим. Кундузи давлат ишида ишлайман. Кечалари дўлпи тикаман. Шўкр, моддий томондан камчилигим йўқ. Лекин болаларимга ота меҳрини беролмаганман. Баъзан биринчи эрим билан кўчада дуч келиб қоламиз. У қизини бағрига босиб йиғлайди. Чунки бу хотини билан яшаётганига етти йил бўлганига қарамай, ҳамон фарзанд кўришмаяпти. Агар эрим фарзандсизлик туфайли хотинидан ажрашиб менга ярашайлик деса, рози бўлардим. Лекин у иккинчи турмушимдан тузилган ўғлимни «Онанга бериб юбор», деса нима қиламан?

- **Демак, эрингиз ўғлингизни ўз боласидай қабул қилса ярашиш ниятингиз бор, шундайми?**

- Шундайку-я, лекин унинг хотинида нима айб. Фарзанд кўрмагани бир зарба бўлса, оиласи бузилгани иккинчи зарба бўлиб, Худонинг қарғишига қолмайманми,- деб қўрқаман.

Биз анча гаплашиб ўтирдик.

Унга йўл - йўриқ кўрсатаман, деб дил ярасини ўзим билмаган ҳолда тилиб юбордим. Балки шундай йўл тутганим ҳам маъжубор. Одам дарддан тўлиб-тошиб юрган пайтда, ҳасратларининг тўкилиб кетишига сабабчи бўлиш ҳол, аслида саваб иш эмасми? Бир-биримизни узоқдан кўриб, биригизга айланганидан бармоқларимизда оз бўлса-да, тафт йўқ эмас. Ўша тафт эгилган бошларни силашга ҳам етиб ортади. Бу аёлни тахририятга етаклаб келган алам, қўлларига игна кириб топан пули эмас. У сиз-у бизни ҳам фарибгарлар қармоғига илиниб қолмаслигимиз учун оғоҳлантиришга келган. Муштипар бир аёлнинг айби — бахти очилмаганими? Талаба эрни кута-кута охир муродга етганда, эрининг фалаж бўлиб қолишидан сиқилиб, ўз соғлигини йўқотиб, оиллага қаршида бўлиб қолганими? Боламини бағримдан юлиб ташламайман, деб иккинчи турмушдан ҳам ажраганими? Саволлар кўп... Мухими бу эмас. Мухими — бу рўйи заминда бир-биримизни камситмай, керак бўлса ёрдам қўлларимизни чўшиб, бир-биримизга суякчи бўлиб яшаганга не етсин. Шундай эмасми?

Тоҳир НОРИМОВ

- Ўргилай синглим, сиз билан бир-икки оғиз гаплашсам майлими? - дея ўтинди эрталаб хонамга кириб келган аёл. - Мен аёлга жой кўрсатиб, унинг дил издорини эшитишга чоғландим. У қўлидаги сумкасини кавлаб қандайдир қоғозларни олди. Сўнг бир "ух" тортиб қўйди-да сўзлашга тутинди.

- Шу кунларда юрагимга қил сиймайди. Ҳамма фарзандларимдан тинчиб, оёғимни узатиб энди дам оламан дегандим. Утган йили эрим билан дилчимиздаги энг эзгу армонлардан бири - ҳаж амалларини бажариб қайтдик. Қўнчилик бизга ҳавас қилиб: "Илоийм сизларга ўхшаб юриш насиб этсин", - дея орзу қилишарди. Катта ўғлимни уйлантиргач, алоҳида уй олиб бердик. Икки фарзандли бўлишганди. Кейин ўғлим юрак хасталигига йўлиқди. Уни касалхонага жойлаштиргач, қўлимиздан

кўнғироқ қилиб, маҳалла нозирини чақиртирдим. Қаравотнинг остидаги гўрсўхтани тортиб чиқардик, Карим исмли шайхонтоҳурлик йигит экан. У ҳам, Башорат ҳам нозирга ўзининг қилмиши ҳақида тушунтириш хати ёзиб берди.

- **Улар қилмишларидан пушаймон бўлишиб кечирим сўрамадилми?**

- Қаёқда дейсиз? Бундай ифрослик бутқоғига бутганларнинг дийдаси ҳам қотиб кетаркан, шекилли.

Ба ш о р а т н и н г кўзларига чакчайган, мижжасига ёш ҳам келмади, ҳатто. Унинг ота-онасини

ХОР БЎЛУРСАН, БАХТНИ ХОР ҚИЛСАНГ

келганича келинимизга моддий томондан ёрдам бериб турдик. 2001 йилнинг феврал ойигача хотиржамгина яшадик. Лекин...

Аёл сўзлашдан тўхтади. Сал иккилангандек бўлдию кейин гапини давом эттира бошлади.

- Бир танишимиз келинимнинг юриш-туриши ўзгарганлиги ҳақида айтиб қолди. Мен аввалига унча аҳамият бермадим. Кейин келинимиз билан гаплашдим. Унинг ҳақли чиқиб поклигига қасам ичди. Феврал ойида ўғлим юрак хуружи билан касалхонага ётди. Мен касал-


ҳам чақирдик, айбини тан олди. Менинг юрагим санчиб ўтириб қолдим. Иккита попукдек қизчалари бор, чирқиллаб йиғлашларини айтинг. Минг қилса-да онаси эмасми, дам унинг ёнига боришади жавдираб, дам менинг ёнимга келишади. Пешонамда шундай кўргуликлар ҳам бор экан-да. Биз бир аҳволда уйимизга кетдик. Гулноза, кичик келиним жуда ақлли. У менинг кўнглимни кўтаришга ҳаракат қиларди. Лекин қани энди кўнглим ёриша?... Эртасига ўғлимни кўргани бордим. Гапиролмайман. Юм-юм йиғлайман. Бир амаллаб ўғлимга воқеани айтдим. У "оҳ", деб юборди. Боламининг бир дардига ўн дард қўшилди. У куйди, қаттиқ куйди.

Кейин: "Ажрашаман энди", - деди. Хуллас, суд уларни 17 кун деганда ажратиб юборди. Судга ўша келинимни йўлдан урган кимса, Карим ҳам келди. Алам қиладиган жойи шундаки, Башорат анчадан буён ўғлимнинг кўзига чўп солиб юраркан. Келиним уйдан икки боласини олиб чиқиб кетди. Аслида набираларим шу туғилган уйларида уйнаб-кулиб балогатга етишлари керак эмасмиди? Мен эса орадан анча вақт ўтгач, ўғлимни яна уйлантирдим. Башоратнинг ота-онасига набираларим учун аталган пулларни ҳар ойда олиб бериб берардим. Кейин эшитсак, уни ота-онаси ҳам оқ қилган экан. У болаларини олиб ўша Карим билан номаълум томонга кетибди. Қаердалигини ҳеч ким билмасди. Яқинда қаердан пайдо бўлибди. Ўғлимнинг ишхонасига иккала қизчасини олиб келиб ташлаб кетибди-я. Мен уларни уйимга олиб келдим, аҳволига қараб бўлмайди. Озиб-тўзиб кетишбди, бечоралар. Мен касалман. Кичик келиним яқинда фарзандли бўлган. Унинг ҳам учта боласи бор. Утган кунни мен набираларимни қудамнинг уйига олиб бордим. Қудамга воқеани айтдим, у тушунди. Уйдаги келини: "Қуда хола, мен уйдаман, майли болаларни ташлаб кетаверинг. Кийим-кечагини тўғри-лаб бериб турсангиз бўлди. Болаларимни қандай тарбияласам, уларни ҳам шундай тарбиялайман. Чунки нима гуноҳ қилса, қайсинглим қилди", - деди.

Мен кеча бориб болаларга майда-чуйда, пул ташлаб келдим. Болаларни кўриб яна юрагим эзилди, мазам бўлмай қолди. Ҳеч кимнинг

бошига бундай синоатлар тушмасин.

Келиним эса на ота-онаникига кела олади, на болаларини кўра олади. Яна биздан ҳам хафа бўлармиш... Ахир бошига тушган



бу ташвишларнинг барига ўзи, ўзининг суяқоёқлиги сабаб эмасми?

Мана бу қоғозлар ўша кимса билан келинимнинг маҳалла нозирига ёзган тушунтириш хатлари. Бир ўқиб кўринг,- деб аёл қўлимга бир нечта вароқ узатди. Башоратнинг тушунтириш хатидаги ушбу мисраларга кўз югуртирдим. "Биз эрим Ботир билан 1993 йилдан бошлаб яшаймиз. Ҳозир у оғир аҳволда касалхонада ётибди. Мен анчадан буён Карим исмли киши билан алоқада бўлиб юрардим. У хотини билан ажрашиб, менга уйланмоқчи эди. Уни ўзим уйга чақиртириб учрашайтган пайтимда овсиним, қайним ва қайнонам келиб қолшиди. Бу биринчи марта эмас, уни тез-тез уйимга чақириб турардим",- деган сўзлар бор эди бу оқ қоғозда.

Назаримда бу сўзлар ёзилган қоғоз ҳам алмакдан, ҳам уятдан сарғайиб кетгандек эди. Ўз бахтига ўз қўли билан болта урган аёлга раҳим келмади. Унинг чирқиллаб турган, ота-онанинг меҳридан бенасиб бўлиб келиноҳисининг қўлида қолган қизалоқларига раҳим келди. Ўзининг нафсини ўйлаган аёл эса... У ҳам энди хиёнатнинг қоронғу кўчаларида оворасарсон. Эри оғир касалликка учраганида унга ёрдам бериш, кўнглини кўтариш ўрнига унга хиёнат қилгани учун Оллоҳнинг газабига учради бу аёл. Энди унинг на бошпанаси бор, на обрў-эътибори бор?

Кўнгли кўчасига кириб бир кунда уйи-жойидан, умр йўлдошидан мосуво бўлиб, ҳозир кўча-қўйда сарсон бўлиб юрган аёл бой берган бахтини, оиласини йиллар бўйи эслайди. Соғинади, афсусланади, бошини тошларга уради. Лекин энди ўз шаънига, ота-онаси, фарзандларининг шаънига туширган иснодни ювиб бўлармикан? Бахтнинг-да, фарзанднинг-да уволи бор, ахир. Чунки бахт инсонга бир бора бериларкану, уни хор қилганлар эса умр-бод бахтсиз бўларкан. Башорат эса бахтини ва унга қўшиб болаларини хор қилди. Энди унинг ҳаёти пушаймонлик ва надоматлардан иборат бўлади. Тақдирнинг ўзи одил ҳакам, у ношукр инсонларни ана шундай жазолаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Басира САЙДАЛИЕВА

Чоршанбадан чоршанбагача — таширларингиз...

хонага ўғлимни кўргани борганимда у: "Ойижон, бориб Башоратга айтинг, иссиқ кийимларимни олиб келиб берсин. Эртага мени жонлантриш бўлимидан палатага олишаркан", - деди. Келиним тўрт кундан буён касалхонага келмаётган экан. Юрагимга гашлик тушди. Уйга борсам ҳамки бу гашлик тарқамасди. Охири биз билан яшайдиган келинимга: "Туриг, Гулнозахоҳ, бирага бориб овсингиздан хабар олайлик", - дедим.

- **Сизга биров биров гап айтдимми ёки ўзингизнинг борингиз келдимми?**

- Йўқ, шунчаки бирров хабар олиб, ўғлимнинг кийимларини олай, дегандим-да. Хуллас, кичик ўғлим Нодир ҳам биз билан борадиган бўлди. Уч киши Ботирнинг уйига жўнадик. Менда ўғлимнинг уйини калити бор эди. Эшикни калитим билан очиб кирдим. Бир пайт ичкаридан келиним чиқиб келди. Унинг ранги кув ўчганди. Эгнига наридан бери халатини ташлаб олибди. Сўрашган бўлди. Кейин чой қўймоқчи бўлди. Биз унамадик. Келинимдан: "Ахир нима учун эрингизнинг олдинга тўрт кундан буён бормадингиз? У хавотир олибди. Кийимларини керак экан", - деб сўрадим. Шу пайт бирданига ётоқхонадан шовқин эшитилди. Қарасам, кичик келиним додлаб чиқиб келаяпти. "Ойижон, ичкаридан муллакамнинг кийимларини олай деб кирсам, қаравотнинг остидан иккита оёқ чиқиб турибди", - деб қолди. Башоратнинг, ранги оқариб кетди. Стулга беҳол ўтириб қолди. Мен дарров эшикни қулфлаб, калитларни чўнтагимга солдим. Кейин

Тенгдашим Аброр, сизнинг бошингиздаги савдо менинг "ўтмишим"га жуда ўхшаш экан... Бироқ, буни баён қилишимнинг фойдаси йўқ, сабаби

АЙБНИ ЎЗГАДАН ЭМАС, ЎЗИНГДАН ҚИДИР!

"менга армон бўлган муҳаббатим" менинг севгимга муносиб эмас, худди сизга ўхшаш... Шунинг учун "ўтмишим"ни ёзишни ўзимга эп билмадим. Аброр, севги-муҳаббат муқаддас туйғу, у қалбимдаги ушалмас армон бўлиб қолган, лекин сизни севгингизга етишингизга озгина бўлсам имконингиз бор эди-ку, нега совчи юбормайсиз, ўқиш, ҳарбий хизмат қочиб кетмасди-ку! Энди бўёғига сабр ва чидам билан ўқинг, йигитлик гурурингизга (у сизда йўқ-ку!) тегсам, кесатиқ гапларим учун олдиндан уэр сўрайман.

Бошларингизга тушган савдода нега фақат Гулнозни айбляясиз. Бу ишингиз менинг жаҳлимни чиқарди. Гулноз сизгача севган бўлса, сизни учратгандан кейин бегонага қарамабди-ку! Нега энди бевафоликда айбляясиз? Сиз билан учрашишни туш кўриб билибдими? Шунга ҳам шукур қилмайсизми? Ахир бу ёлгончи, ўткинчи дунёда манаман, деган донишманд, файласуф, ақлли инсонлар ҳам ҳаётда бир бора бўлсада адашгандир, хатога йўл қўйгандир. 4 оёқли от ҳам бир марта бўлса-да қоқлади-ку! Ахир сиз билан биз - хом сут эмган банд бўлсак. Қилган хатоларига қараб тўғри хулоса чиқара билиш ҳам доно одамнинг иши эмасми? У сизга ҳеч ҳам хиёнат қилмаган, айбни ўзингиздан қидиринг! Чунки барча хатолар фақат сиздан ўтган. Менинг тасаввур қилишимча, сиз анчагина бўш, лапашанг йигит экансиз. Нега энди севги бобида фақат у курашишни керак экан, сиз-чи, томошабинмисиз? Ахир қарс икки қўлдан чикишини билмадингизми, бундай ма-

салада йигит киши дангал, уддабурон бўлиши эсингиздан нахотки чиққан бўлса? Барча орзуларингиз нима учун энди фақат 2004 йилнинг ёзида амалга ошиши керак экан? Нима, уйланган йигитларга олиқ ўқув юртида ўқиш мумкин эмасми?.. Ҳарбий хизматга қабул қилмайдилар-ми? Мен ҳам университетни тугатганман, бизларни сафимизда уйланган, бола-чақали йигитлар ҳам ўқирди. Ахир севганингизни бир эркак "илиб" кетса-ю, сиз тақдирингизга тан бериб оғзингизни очиб, бағрингизни захга босиб ётишдан бошқа илоҳингиз бўлмас! Асли сизда эркаклик гурури, ирода, шижоат етишмас экан. Мен бунга қафил! Ҳалиям кеч эмас, унга совчи юбориб, ўзингизники қилиб вақтинча бўлсам "нон синдириб", "бошини боғлоглиқ" қилиб қўйсангиз бўлади. Бебурдлингиз туфайли фақат ўзингизни эмас, сизни севган инсониям кўнглини бир умрга яраладингиз! 2002 йил уйлансангиз севгингиз армон бўлмасиди? Гулноз ота-онасининг раъйига қараб узатилмоқчи экан, у қиз бола-ку. Биз ўзбекларда муҳаббат бобида қизларга нисбатан йигитлар ўз кўнглидагини ота-онасига анча дадил айта олади-ку! Ёки қиз сизга совчи қўйишини кутдингизми, йигит?! Ахир Гулноз қиз бола бўла туриб қандай қилиб совчи қўйсин? Балки сиз совчи жўнатганингизда, у бир иложини қилиб сиздан келган совчилар-

га уйдагиларини кўндирган бўлар-миди? Гулнозни ўзига ишонган, мард, дангал қиз тимсолида кўрдим.

"Берган ваъдалари қани?" — 17-сон

ЭСЛАТМА: Гулноз исмли қиз билан дўстона муносабатларим севгига айланиб кетди. Орадан тўрт йил ўтгач, у 2-3 кун ичида совчи юборишимни, акс ҳолда аммасининг ўғли билан тўйи бўлишини айтди. Энди нима бўлади?



АБРОР

Сабаби, қиз бола боши билан ўзи учрашувга таклиф қилибди, сиздан келадиган совчиларни кутишини айтибди. Билиб қўйинг, ҳамма қизлар ҳам бундай оқил иш тута олмайди. У чин юрагидан севган, охириги илжини, умиди сиздан бўлган. Сиз эса... унинг севгисига заррача арзимайсиз. Унинг фақат сизгагина аталган туйғуларини қадрлай олмагансиз.

Агар Гулноз бошқа йигитга турмушга чиққан бўлса, унга бахт тилашдан бошқа илоҳингиз ҳам йўқ. Дилингизда майли армон бўлсин, лекин агар уйланганига "қўзингиз етмаса" яна бошқа қизларга севги изхор қилиб, гуноҳингизни кўпайтирманг! Сабаби, 2004 йилгача яна икки йил бор. Не бўлгандаям Гулноз бахтли, дунёдаги энг бахтиёр келинчақ бўлсин. Зеро шоир айтганидек:

Тақдирин кўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт-бир афсона. Саодат-инсоннинг ўз хунаридир, Тақдирнинг қудрати эмас баҳона.

ГУЛЧЕҲРА

Қорақалпоғистан Республикаси, Кўнғирот шаҳри



СЕН КЕЧИРИМАН БУ!

Хурматли М. Катталарнинг хатосини англаб етиш бизга сабоқ бўлиб, ўша хатоларни биз ёшлар асло такоррлашмаслигимиз керак. Чунки биз бутунлай янги замон авлодларимиз.

"Бундай отани сира кечиролмайман" — 2-сон

"Қўйман, одам бўламан, деб ахд қилдим", деган гап инг х ш и! Ниятингизга ет! "Бир касб-кор эгаси бўлмасам, бу дунёдан

ЭСЛАТМА: Ота-онам ёшлигимда ажрашиб кетишган. Мен отам билан қолганман. Синглимни онам олиб кетган. Улғайиб билдимки отам онамни қиморга ютқазиб қўйгани учун онамни момончиюга қочириб юборишган экан. Мени онам, синглим меҳрига зор қилган отамни кечиролмайман.



М.

Инсон борки умид-орзулар билан яшайди. Дару-ниятлар амалга ошмас-чи? Қалбда орзули армонга айланади. Менинг ҳам бир олам орзуларим бор эди. Афсус, ум-

сиздан юз ўтгирса, бир оғиз тасаллига зор бўлиб, ҳеч кимга кераксиздек ҳис этасан ўзингни. Айтишга осон. Бунчалар азоб, бундайин бахтиқаролик бўлмаса керак оламда. Гап-сўзлардан тўйгач, ноилож шарҳга кетдим. Тақдирга тан бериб яшаёлман. Яқинларимни ҳам тушундим, кечирдим. Улар ўз муҳитининг қули бўлишган, холос. Маслаҳатим, сиз ҳам отангизни тушуниг, кечиринг. Айб отангизда эмас. Уни тарбиялаганларда. Эҳтимол отангиз яшаган муҳит шундай носоғлом бўлгандир. "Ўзим шунақа ота бўлгандан кўра, ўлимни афзал кўрардим", дебсиз, демак сиз отангизнинг хатоларини тушунибсиз. Сиз энди ҳаётда хатолардан сақланасиз. Зеро, отангиз ҳаёти сиз учун бир мактаб бўлибди. Вақт одил ҳакам. Отангиз ҳам тавба қилар, хатоларини ту-

ВАҚТ ҲАММА ЖАРОҲАТНИ ДАВОЛАЙДИ

Ҳаёт қарама-қаршилиги зиддиятлардан иборат. Эҳтимол инсон умрининг мазмуни ҳам шудир. Баъзида содир бўлган воқеалар ҳақида эшитиб ёқа ушлайсан киши. Инсонлар нима учун бир-бирига озор беради. Нега бировнинг муҳаббатини топтойди. Гулноз, нечун Аброрнинг пок муҳаббатини оёқ ости қилдингиз? У сиз ҳақингизда салбий гапларни эшитгандан ҳам муносабатларини узмади-ку. Шуми унга раҳматингиз? Бошқа йигит бўлгандан сизни шармандаларча ташлаб кетган бўларди. Нима учун яшаасиз, нимага дунёга келдингиз, бировни алдаш учинми? Сабабини ўзингиз ҳам билмасангиз керак. Ҳаётингизда нима маъно қолди? Ахир севгингизни йўқотдингиз-ку. Гулноз, куйидиги шеър сизга тегишли.

Чимилдиклар тор бўлди, Менинг кўнглим зор бўлди. Бахт уйи мазор бўлди, Севаман деб куйди дилим, Мен севган қиз энди келин. Тошдек қотар дийдалари, Оғир ботар зарбалари. Ёлгон экан ваъдалари, Севаман деб куйди дилим, Мен севган қиз энди келин...

Аброр, жавобсиз севгини нима қиласиз? Гулноз сизни севмайди-ку? Сиз бу севгини унутишингиз ва Гулноздан воз кечишингиз керак. Ҳаёт фақат севги-муҳаббатдан иборат эмас. Ҳали ҳаммаси олдинда. Вақт ҳамма жароҳатни даволайди. Майли, Гулноз аммасининг ўғли билан бахтли бўлсин. Сиз ҳам бахтингизни албатта топасиз. Фақат руҳингизни чўктирманг, келажакингиз яхши бўлишига ишонинг. Сизга омад ва бахт тилаб қолувчи дўстингиз

НИГОРА

бугундан ахшироқ бўлишига ишониб яшаялман. Сиз ёшлар, шу азиз ватан келажаксиз. Сиз — бугунги кун ёшларига фақат ҳавас қилиш мумкин.

Армонли дунёдан армон билан ўтиш охирик белгиси, сўнгги чора холос. Яна таъқидлайман. Мендек армон кўчасида сарғаймаслик учун сизда ўн йиллик имкон бор, дадил бўлинг. Умид ва ишонч билан яшанг. Шунда армонларни ортда қолдириб, пок мақсадга ета оласиз. Хуллас:

Бир кам дунё дейдилар ахир, Бирда ширин, баъзида тахир. Синволарга чидай олсанг гар, Муродинга етарсан ахир. Мақтубни кеч жўнатаяман. Сабаби, бетоботилик қолдим. «Темирни занг, одамни ғам емиради». Ғам - аламлар

ё тоқ ўтаман, ё эртароқ кетаман", деб ёзибсан. Йигит кишининг шаънига бу гап ярашмайди. Бу - кўрқоқ одамнинг гапи. Нима, сен болалигингда ҳеч эртак китобларни ўқимаганмисан?! Эртак қаҳрамонлари мард, паҳлавон, сира кўрқамас бўладилар. Борса келмас йўллардан бориб, ёмонликни йўқ қиладилар. Ота-онангга аччиқ қилиб, ўзингни хароб қилма. Худди бургадан ўч оламан деб, кўрпага ўт қўйгандек.

Сен ўқи, ишла, мабодо ўқишга кира олмасанг, хунар ўрган, меҳнат қил. Йигит киши ўттиз ёшда уйланса ҳам бунинг айти йўқ. Энг муҳими, йигит оиласини севадиган, рўзгор тебраталадиган, фарзандлар тарбиялай оладиган етук қалб эгаси бўлсин. Ва ўзида шундай ақл-ирода топа олгач, олдига яхши мақсад қўйиб, кейин уйлансин.

Сайёра ЖҲРАЕВА, талаба

ДАРДИМ ЁЛГИЗ ЎЗИМГА АЁН

Энди эса азобда, армонда яшаялман. Хурматли шахрсизбазлик М, мактубингизни ўқидим-у, "Шошма, дадил бўл, умидсизланма, сен ҳали улгурасан", деган даъват бўғзимга келди. Чунки, мен каби арасотда қолмаслик учун сизда 10 йиллик имкон бор. Бу катта давр, кўп ишларга улгуриш мумкин. Ахир, ҳазрат Навоий айтмоқчи "умр фаслининг баҳори"дасиз. Мен шу ёшга етиб, на дўстдан ёлчиганман, на ёрдан. Бошимни қайга уришини билмайман. Мен ҳам ота-она "ҳиммати" туфайли шу ҳолга тушдим. Сиз тенги ёшимда бир бегона йигитга унаширилгандим. Мен бундан беҳабар, пойтахтда таҳсил олар эдим. Эшитгач, зор-зор йилгандим, ялчидим, ёлвордим. Ҳеч ким тингламади... На илож, ота-она хоҳиши, дея бош эгдим. Афсус... Аввало кудалар чиқишимди. Аслида биз бошқа-бошқа одамлар эдик. Ота-онам, ҳамма яқинларим мендан юз ўгирди. Гўё "Эрдан қидим-элдан қидим". Ахир, айбим нима? Куну-тун уйлайман. Ҳаммадан кўпроқ мен қийналмоқдаман-ку! Эссиз, энг пок, энг соф орзуларим саробга айланди... Ҳамма яқинларинг

шуниб етар, деб ўйлайман. Қалбингизда онага, сингилга, аёлга меҳр, эҳтиром уйғонибди. Меҳрингиз янада зиёда бўлсин. Ўтган кунларни ўйлаб азоб чекманг. Вақтин бой берасиз. Ўтган қайтиб келмайди. Шоир айтмоқчи, эртанги кунга умид билан қаранг. Сизда куч ва ирода етарли деб ўйлайман. Интилсангиз, чет элга бориб ўқий оласиз. Афсус, сизнинг ёшим ўтган. Сиз севиб, севилиб бахтли оила қуришга қодирсиз. Менга эса энди кеч. Энг ачинарлиси, фарзандимнинг бахти ярим. У ота деган азиз каломни ҳеч қачон тилга олмайди. Дунёда ўз ўғлини танимайдиган, ўз зурриётидан кечган оталар ҳам бор. Ота - оналар хатосини биз такоррламайлик. Шундай қилайликки, фарзандларимиз биздан-да бахтлироқ, биздан кўра ақллироқ умр кечирсинлар. Бехуда гап-сўз, камситишлар юки остида йилларни, умримни бой бериб қўйдим. Киши аввало ўзига ишонсин экан. Умид, ишонч билангина ҳаёт чигирингидан ўта олиш мумкин экан. Мен буни энди тушуниб етдим. Ҳаётни, умр мазмунини англагандекман. Эртанги куним

ахийри мени енгди. Дардим ёлғиз ўзимга аён. Ойлаб шиғохонда ётдим. Яқинларим хабар олмади. Бирор дардчақ топилмади. Яхшиямки "Ойла ва жамият" бори! У шиғохонда қўлма-қўл бўлиб кетади. Яхшиям дардимни ўзига сингдирувчи қоғоз бор. Йўқса ёниб, қул бўлган бўлардим.

Ҳа, газета мени ҳаётга қайтарди. Сиз ҳам "Ойла ва жамият" билан дўстлашиб тўғри қилибсиз. Газета сизнинг оилавий бахтга эришингизда, жамиятда муносиб ўрин топишингизда кўмак бериши шубҳасиз. Эҳтимол сизга ёрдан қўлини чўза олмасман. Негаки, ожизаман, хастаман. Хастанинг дуоси ижобат бўлади, дейдилар. Сизга яратгандан марҳамат сўрайман, холос.

Бинобарин, Оллоҳдан туну кун илтижо қиламан: ҳеч бир банданга меникидек дард, армон бермагил, Тангрим!

Қаҳқадарё вилояти, Яққабоб тумани

МАҲЗУНА

(Боши ўтган сонларда.)

Уйга келиб бу ҳақда сўрасам: "Улар бир кун мени текширган эди. Таниб қолибди", деди. Яна бир кун ўз вақтида уйдан келмади. Эртасига: "Нега келмадингиз", - десам, "Таможнида мени зўрлашмоқчи бўлди. Кейин йўлдан қайтиб кетдим", деганди. Ўша куни байрам куни эди. Дўстим ишлайдиган билан юртидаги бир ўқувчи бола Моҳирага кўшни экан. Дўстим ундан Моҳира тўғрисида сўраса, қишлоқдаги бир бойвачча билан ҳозир ҳам учрашиб юришини, умуман кўп эркаклар билан юришини айтиб берибди. Уларнинг исмларини, оиласи бузилмасин, деб ёзмадим. Булар орасида врач, дорихоначи, артист, ички ишлар ходими,

УНИ ДЕБ АҚЛУ



пахта бригадари, "разборщик", ароқ сотувчи, таксичилар ҳам бор. Биринчи куни охираси Моҳира тўғрисида менга мактаб гал огчанида: «Уни урмасангиз бўлди, ҳамма ишларни зўр қилади. Ақли, одобли, фа-

ХУШНИМАН БЭИЗМАН...

қат бечора қийналган, ахлоқини жуда яхши», деган эди. Эндигина танишиб, гаплашиб юрганимизда Моҳирага: "Маҳаллангизга бориб кўриб тураман", деганимда, "Йўқ, ўзим келаман", - деб қарши бўлган эди. Унинг ахлоқи чатоқлигини онам ҳам эшитиб, тоза бўлсин, деб уч марта дарёга олиб бориб ювинтириб ҳам келди. Кейинчалик онам унга гапирса гап қайтарадиган бўлди. Онамга ёмон кўриниб қолди. Лекин онам унга бирор ишни қил, демас ҳам эди. "Кет" деган ҳам. Лекин у ҳаром йўлдан қайтмади. Уни деб мен ақлу хўшман озиб, телбалик сарсон-саргардон бўлдим. Унга яхшилиқ қилсам, бевафалик ва хиёнат билан жавоб қайтарди. Энди билсам, Моҳира ўзининг ҳазил сўзлари ва қилликлари билан эркаклар сабр-тоқатини ўғирловчи макор ва фирибгар аёл экан. Мен ҳам унинг тузоғига тушибман. Мен уни қандай бўлмасин тўғри йўлга солиб оламан, деб ўйлаган эдим. Ҳатто ўлсақ мазорда ҳам ёнма-ён дафн қилишларини истаган эдим. Уни деб кечалари ухлай олмай тўлғонар эдим, уйга келсам ўнг оёғим билан киришини эсимдан чиқармас эдим. Шу ёшга кириб бирон марта синфдош ёки қариндошлар тўйида ўйнамаган эдим. Ҳеч ким мени ўртада ўйинга туширмаган эди. Биринчи бор тўйларда унинг бир оғиз таклифи билан ўйинга тушган эдим.

Энди-чи, унинг хулқ-атворидан гапирсам эшитган хоҳи аёл, хоҳи эркак бўлсин нафратланмайдигани топилмас керак. Унинг орқасидан ажрашмайман деб юрган вақтимга афсусдаман. Сарфлаган пулларимга, меҳнатимга, кўз ёшларимга афсусдаман. Бошқа унинг олдига йўламайман. Унинг янгидан-янги ўйин ва макру ҳийлалари олдига инсон қолиб, шайтон ҳам ил эша олмас керак. Моҳиранинг жазманларига савол бергим келади: "Ўз жуфти ҳалолни алдаб кетган аёл, сизларни ҳам алдаб кетмаслигига ишонасизми? Ундайлардан вафо эмас, жафо кутши аниқ, унинг ортидан югуришдан аввал уйдаги хотинингиз, фарзандларингизни кўз олдингизга келтириб ўйлаб кўринг. Илоҳо, бундай хиёнатни, ношукрликни қилган аёлнинг жойи дўзахда бўлсин!"

Азиз юртдошларим, сизлардан илтимос, маслаҳат беринг! Нима қилай? Менга ва менга ўхшаб алданганларга тўғри йўл кўрсатиб, ёрдам берасиз, деган умиддаман!

Хат орқали мен билан боғланмоқчи бўлганлар учун манзилим тахририятда.

Т. Ў.

Тошкент вилояти, Бекобод тумани

Ёшим 20да. Оилада ёлғиз, эрка, гўзал қизман. Адам бир ҳуқуқий идоранинг бошлиғи, ойим уй бекаси. 18 ёшга тўлаётганимда адам менга "Тико"

билан таништираман. Лекин бир шарт бор, сизга ёқмаса кетиб қолмайсиз ва мен билан сайр қиласиз", - деб шарт қўйди. Мен қизикқанлигим туфайли

дедилар. Мен ўша куни ўзим боришга уялиб, дугонам Чаросни ҳамроҳ қилиб олдим. Машинамни тайинли жойга қўйиб киргунимча тантана бошланибди. Мен гулдастани ушлаб пана жойда турсам, Чарос

БАХТЛИ БЎЛИШИМИ

машинаси ва уяли телефон совға қилди. Ҳаммаси шундан бошланди. 18 га тўлганимда ўзим машина ҳайдай бошладим. Ўзим Тошкентдаги ҳуқуқшунослик олийгоҳида сиртдан ўқийман. Нотариал идорам бор. Бир куни соат 16 ларда ўқишдан қайтаётиб Жиззахнинг «Икарус» русумли автобуси йўлда бузилиб қолганини ва йўловчилар тўғри келган машиналарни тўхтатишаётганини кўриб қолдим. Аммо менинг диққатимни милиция формасини кийиб олган, ёнида катта спорт сумкасини қўйиб, йўл четидаги бетон устунада ўтирган йигит ўзига тортиди. Бошқалардан у сал узоқроқда эди. Машинамни орқа, ва ён ойналари қоралиғи учун у мени кўрмасди. Машинамни

рози бўлдим. Дам олиш куни ҳар доимгидай учрашув жойига етиб келсам, Алишер акам катта гулдаста ва бир қоғоз ушлаб жилмайиб турибди. Машинага ўтирган, биз унинг айтгани бўйича анҳор



ИСТАГАН ЕРИМ

ундан 3 қадамча нарида тўхтатиб кетиб турсам, у югуриб келиб: "Илтимос ака", - деб гап бошлади-ю, рўлда мен ўтирганимни кўриб салгина қизариб кетди. "Олиб кетасизми", - дея жилмайиб олдиндаги ўриндиққа ўтирди. Ўзини таништирди ва мен ҳақимда сўрай кетди! Шунда кўл телефоним жиринглаб қолди, олсам ойижоним экан. Дадам шифохонага тушиб қолибди. Менинг дарров орқага қайтишимни, тез шифохонага етиб келишимни тайинладилар. Шундаги аҳволимни кўринг — рангим ўчиб, мувозанатимни йўқотай деб қолдим. Алишер ака менга далда бериб, рулни беришимни илтимос қилди. Биз Тошкентга қайтдик. 7 соат деганда операциядан кейин, жонлангириш бўлимида адам ўзларига қолганларидан сўнг, ойим ўрнимга қолгандан кейингина мен стулга ўтириб, юзларимни юваётган ёшларимни аригаётиб рўпарамдаги йигитга кўзим тушди. Не кўз билан кўрайки, Алишер ака экан. "Дурдона, ҳаммаси ортада қолди, бир оз дам олинг", - деб менга туришимга ёрдам берди. Шундагина мен: "Вой, шўрм курсин, сиз ўйга боришингиз керак-ку! Соат ҳам тонгги 5 лар бўлиб қолибди. Илтимос, мени кечиринг, сизни унутиб қўйибман! Ҳозироқ сизни ўзим Жиззахга олиб бориб қўяман", - дедим. "Дурдона, раҳмат меҳрибончилигингиз учун! Аммо қарши бўлмасангиз бирга овқатлансак", - деб мендан изн сўради. Шунда ойижоним келиб: "Дурдона қизим, катта ойинг, доданг, бувиларинг, опоқларингга хабар бер, яна хафа бўлишмасин. Энг олдин бирор нима еб ол. Туз тотмадинг, ахир қизим. Сизга раҳмат ўғлим!" - деб кириб кетдилар. Шунда Алишер ака: "Яна бир гап, мен уяли телефонингиздан фойдаланиб, уйдагиларни огоҳлантириб қўйдим. Чунки хавотир олиб, етиб келишлари мумкин эди, акс ҳолда! Уэр, бесўроқ фойдаланганим учун", - деди.

бўйидаги бир кафега келиб ўтирдик. Шунда мен: "Алишер ака, маликангиз қани, кўргим келаяпти, келмадимикан, қаранг-чи" - деб уёқ-бу ёққа қараб қўйдим. Охири Алишер ака: "Дурдона, юринг қайиққа ўтириб сузамиз у келгунча", - деди. Биз қайиқда сузишга тушдик. Ниҳоят анҳор ўртасига етиб келганимизда Алишер ака эшакани ўз ҳолига қўйиб, секин гап бошлади: "Дурдона, мана ярим йилдириқ мен ўзимни бошқача ҳис қилаяпман. Бунини оиламдагилар ҳам, ўқишимдаги домлау курсдошларим ҳам сезишган, яъни мен мулоийим, хушфезъл, одобли бўлиб қолганман. Ўша туғилган кунимдаги воқеалар мени умуман бошқа Алишерга айлантириб қўйди! Авваллари жуда кеккайган эдим. Ота-онанинг насиҳатларини қулгоғимга олмай, ўқишга келиб-келмай, "Некси-я"ни миниб, таралла-бедод қилиб юрар эдим. Аммо сизни учратганим ҳаётимдаги улкан ва кутилмаган ўзгаришларга сабаб бўлди. Мени қайта тарбиялаб, кўзимни очиб, ақлимни кириятиб қўйдингиз. Бунинг учун сизга раҳмат. Аммо шу билан бирга ақлушимни, хаёлимни тамоман ўғирладингиз! Сизнинг гўзал чехрангиз, майин, аммо қатъий овозингиз, шаҳло кўзларингиз, ўзингизга ром этиб олувчи, аммо ҳар ким учун орзу бўлган жилмайиб қулишингиз, хуллас бутун камчилиги, бор фазилатларингиз билан мен сизни севиб қолдим. Мени калбим маликаси, уйим бекаси сиз, Дурдона!" - деб гулдастани менга узатди. Мен олиш-олмаслигимни билмай, охири олдим. "Қирғоққа чиқайлик, телефонимни заряди камайиб қолувди, зарядлаб олай", - десам, Алишер ака: "Дурдона, сўзларим рост, севгим боқий, сабрим етарли. Мен сизни бир умр севаман, севгим учун қурбон бўлишга ҳам тайёрман, ишонинг. Аммо сиздан илтимос, рад этманг", - деди. Мен бу сўхбатдан кейин ўйланиб, уялиб юрдим ва охири, кети узилмаган совчаларнинг ёлворилишга қарамай, уйдагилар Алишер акамнинг совчаларига рози бўлишди. Бизни унаштиришди. Аммо, бизнинг тақдиримиз бир эмас экан! Хуллас, Алишер акам ўқишда, мен уйда эдим. Гоҳ-гоҳида концертга олиб тушарди. Ёки сайрга чиқардик. Мен орзуимдаги йигитни учратганимдан Оллоҳимга шукр қилар эдим. Алишер акам ўқишини битириш арасида мени кўргани келди: "Дурдонам, илтимос, мени табриклар битирув тантанасига бориңг, барча йигитлар ўз севганини тақлиб қилишибди. Биз унаштирилган бўлсак. Илтимос, хўп денг", - дея ўтинди. Мен ойимга айтсам, "Кизими, унинг раъйини қайтарма, майли бир чиройли гулдаста олгин-да, бизнинг номимиздан ҳам табриклар, битирув оқшомини кўриб кел! Алишербекни хафа қилмагин", -

бир пасда Алишер акамни бошлаб келибди. Мен уялиб турсам: "Дурдонам, раҳмат сизга. Мени жуда хурсанд қилдингиз келиб. Юринг, бизни стол мана бу ерда", - дея бошлаб кетди. Хуллас дипломлар берилганидан сўнг барча курсантларни ота-оналари, дўсту ёрлари табриклариди. Алишер акамнинг ҳамма бирин-кетин кутлаб, тулга кўмиб ташлашди. Мен бир гуруҳ битирувчи милиционерлар ва дугонам "Чарос билан қолдим. Алишер акам тўғрисида менга тикилиб турибди. Бирданига Чарос: "Юр, Алишер акани табриклаймиз", деб тортиб кетди. Мен уялиб кўзимни ердан узмай гулни бериб: "Алишер ака, оиламиз номидан табриклайман. Омад сизга ёр бўлсин!" - деб гапирсам у: "Дурдонам, сиз-чи?" - деб мендан жавоб кутди. Шундагина мен дилимдан бир нима ўтганини сезиб унга биринчи марта тик қараб: "Мен сизга соғлик, улкан ҳаёт йўлида омад ва бахт тилайман! Ота-онангиз, дўстларингиз ва албатта менинг бахтимга соғ бўлиб юринг", деб ўзимни йиғидан тугтиб, гапимни тугатишим билан ёнимдагиларни ҳаммаси қулиб, қарсақ чалиб юборишди! Шунда қутилмаганда Алишер акам менинг ўнг юзимдан ўпиб қўйса бўладими? Қулиб: "Энди дўстларим, мени бу бағритош маликам қаҳридан, жазоларидан олиб қолинглар!" - деб қулиб юборди. Ўша куни ҳақиқатан ҳам Алишер акам бахтиёр эди ва менга: "Дурдонам, бахтимга ҳамма ҳаваё қилаяпти. Шодлигимдан юрагим қулиб кетмас бўлди", - деди. Шундай қилиб Алишер акам ишларини бошлаб юборди. Аммо, учрашиб турган кезларимизда боши оғришидан шикоят қилиб: "Дурдонам, ишда, уйда ёрилиб кетай, деб орғирган бошим, сиз билан кўришганимдан кейин дарров қолади-я, сизнинг сеҳрингиз бор-да, Дурим", - дерди. Лекин бу оғриқларнинг сабабини кеч, жуда кеч билиб қолдик. Бир куни машинани дорихона томон буришимни илтимос қилди ва менга: «Сиз ўтира туринг, мен хозир», - деб кириб кетди. Бир соат ўтди яқин дарақ йўқ, охири бўлмади, кирдим. Кирсам шифокор унга асаб касалликлари бўйича мутахассисга учрашини айтиётган экан. Мени муздай тер босиб кетди! Биз дарҳол яхши шифокорга учрашини маълум зарурлигини айтдим. Асаб касалликлари бўйича профессор 3 кун деганда бўш мия ва асаб тоналари каттиқ шамоллаб ўтиб кетганлигини айтиб: "Менингитнинг кучли ва ўта оғир тури", - деб таххис қўйди. Шу туфайли кўзга парда тушиб, уни хиралаштирар экан.

(Давоми бор.)

ДУРДОНА

Сирдарё

Анчадан буён севимли газетамизга хат ёзаман, деб чоғланардим, лекин сира ботинолмасдим. Нима деб ёзаман, қандай қилиб ёзаман, деган андишага, мулоҳазаларга борардим. Охири ёзишга қарор қилдим. Мақсадим севгисига етолмаганлар, турмушидан қийналганларга далда бериш. Баъзан, йўқ газетамизнинг ҳар сонидида: «ташлаб кетди», «келмаяпти», «эрга тегиб кетди», «аразлашиб уришиб қолдик», «усиз яшолмай-

МЕН ҲАМ СЕВГАНМАН...

ман», «тоқ ўтаман», «бошқа билан юрибди экан», каби сўзларни ўқиб рости кулгим келади, ҳам ачинаман. Севдингми, чида иссиқ-совуғига охиригача. Ишқу муҳаббат ўйин эмас, зерикканда ташлаб қўйиб, дам оладиган. Чин ошиқ миш-миш, ғийбатларга ишонмайди. Сен севган одам сенга армон бўлди, тушун, демек сен билан тақдирини қўшилмаган. Бу

ОИЛАЛАР БУЗИЛМАСИН

Ушбу хатни ёзишдан мақсад шунки, мен ҳеч кимга маслаҳат ҳам, насиҳат ҳам қилмоқчи эмасман. Ҳеч кимни қораламоқчи ҳам эмасман! Баъзи бир хатларни ўқиб, тўғриси газабим кўзгаёйди. Ҳар бир инсон ўзини ҳурмат қилиши керак. Ўзини ҳурмат қилмас экан, у бошқа бировни ҳам ҳурмат қила олмайди. Кўп қизлар оилани йиғитни севиб қолишганини, йиғит уни севишини ёзиб, маслаҳат сўрашади. Ҳайронман, бунда улар одамлардан қандай маслаҳат кутишди? Менимча, ҳеч ким уларга оилани бузишни маслаҳат бермас керак.

Азиз қизлар! Ўзингизни ҳеч қачон бировдан устун қўймаганлар. Сизларга хотинини ёмонлаган йиғит ҳам бир вақтлар рафиқасини яғона, деб ҳисоблаган, яхши кўрган. Хотинини ёмонлаган, ўз болаларини нуғутган йиғит, сизни ҳам унутмаслигига кафолат бера оласизми? Бунчалар ўзингизни хор қилмасангиз, пастга урмансангиз! Бировдан қолган йиғитни

қандай яхши кўриш мумкин? Ундан кўра пок, беғубор севгини изласангиз-чи! Бировнинг бахтсизлиги устидан қурилган бахт омонатдир!

Азиз қизлар! Қадрингизни бунчалар паст қилманг, кўп йиғитлар ёлғончи бўлишади. Чуқурроқ ўйлаб, узокни кўзланг. Энди турмуш ўртоғи хиёнат йўлига кирган аёлларга шунга айтмоқчиманки, ҳеч қачон оилани бузман, эримдан ажралишман, деб ўйламанг. Хали хотинига юз фоиз вафодор эркакни кўрмаганман. Уларга бу бир спорт билан шуғулланишдек гап. Эътибор бериб, бундан фалокат ясаманг. Эрингизни хиёнат устидан қўлга туширман, деб ҳам ўйламанг, у тўғрисида камроқ билишга қизиқинг. Оилада фарзанд туғилди бўлди, оила тақдирини ҳал қилиш сизга боғлиқ эмас! Қанақади бир ўткинчи, офтоқ аёлни деб (оилани эркакларни йўлдан урган аёлларни бошқача атай олмадим), болаларингизни отасиз қолдирманг. Қадрингизни баланд тутинг! Эркак киши уйда тинчлик

топмаса, хотини ёмон бўлса юради. Ҳар томонлама тоза аёлни топиш осон, лекин ана шундай эркакни топиш амри маҳол!

Мен жуда қайғули бир оилани билман. Ҳаммани ҳаваси келади. Бир-бирдан қиройли 4 та фарзандлари бор. Оила бошлиғи жуда келишган йиғит. Рафиқаси ҳам жуда ақли, пазанда, ҳар томонлама етук уй бекаси. Йиғит хотинини жуда яхши кўради, ҳурмат қилади. Лекин шунга қарамай, баъзи-баъзида хотинига хиёнат қилиб туради. Мана, ҳаммага намуна бўлган оила бошлиғининг аҳволи!

Хулоса қилиб шунга айтмоқчиманки, оила ҳеч қачон бузилмасин! Оилани муқаддас деб билинг! Хиёнат, зино ҳар доим қораланиб келинган. Бунинг касри ўзингизга бўлмаса, болаларингизга уради Оилада фарзанд туғилди, эркак ҳам, аёл ҳам боласи бахтини ўйласин. Ҳар қандай ҳатоллик бола туғилгандан кейин қилинмасин. Чунки инсон туғилди, у бахтли бўлиши керак.

НОМАЪЛУМ АЁЛ

Тошкент



дунё бир кам дунё. Фақат узок ўйлаб, фикр-мулоҳаза юрибди иш тутиш керак, дейман. Бу ёзганларимни ўқиганлар мен ҳақимда «ҳеч кимсани севмаган бўлса керак-да, севганда-ку биларди», дейиши мумкин. Азизим, мен ҳам севганман, эҳ-ҳе, севганда ҳам шунақа севганман-ки... Лекин нима қиламан дардимни дастурхон қилиб? Ўзим биламан, севганим билади, бўлди-да. Дунёда аҳдга вафо, садоқат, содиқлик деган тушунчалар ҳам бор. Кимлардир яшайпти, рўзғориди ҳеч бир камчилиги йўқ. Лекин эрининг хаёли бошқад, хотинининг хаёли бошқад... Аммо, хиёнат қилишмайди. Нега? Чунки, оила бола-чақа бор. Яна кимлардир севишиб, оила қуриб, устига-устак яна хиёнат ҳам қилиб юрибди. Бу ҳолатлар ҳар кимнинг ўзига, иродасига боғлиқ. Мен аслида ҳеч кимга ақл ўргатмоқчи эмасман. Ҳар ким ўз тақдирини ўзи белгилайди. Қандай яшашни ҳам ўзи билади. Қуйидаги шеърим кимгадир далда, юпанч бўлар, деб ўйлайман.

Кутдим чидаб, охир тоқат тоқ бўлди. Кўз ёшимнинг шўрин ютди юзларим. Кўзларим йўлингизда зор мушток бўлди, Бўғзимдан отилиб кетди сўзларим.

Ишқингизда куйдим, сен унинг ишқиди. У ўзгани, ўзга эса бошқани дейди. Севдим, ҳам севилдим, куйдим ҳажримда, Демак, буни ишқу муҳаббат дейди.

Аразлаб кетдинг-да, кетдим аразлаб, Бахт излаб, неларга урмадим бошим. Ёлғиз вақт дардимга қўя олди малҳам, Топдим ҳам ниҳоят сабру бардошини.

Мен юрган из қолди тоғу тошда ҳам, Орузга етолмай дилда сўз қолди. Бир пайтлар менинг ҳам ҳажримда ёнган, Ортимда зор йиғлаб, бир жұфт кўз қолди.

Жаҳонгир БОБОКУЛОВ

Тошкент шаҳри,
Ибн Сино мавзеси

Иш юзасидан бир хонадонда бўлдим. Хонадон бекаси ва фарзандлари билан дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирибмиз. «Меҳмон оз ўтиради, лекин кўп нар-

ҚУШ УЯСИДА

«Меҳмон оз ўтиради, лекин кўп нарсани кўради» деган ҳикматли нақл бор халқимизда. Суҳбатимиз турли мавзуларда давом этди. Аммо, қай масалада гурунглашмайлик, уй бекаси ҳар сафар гап мавзусини опа-укаси-ю, қариндош-уруғларини ёмонлаш билан давом эттирди. Юрагим гаш бўлиб турганимда эшикдан хонадон соҳибни кириб келди. Энди мавзу ўзгарар, деб турганимда водариг, эркак бўла туриб у киши ҳам ўз жигарларини устидан мағзава ағдара кетди. Ўйлаб қолдим. Наҳотки, ота-она фарзандларига шу тахлит намуна бўлсалар! Вақти келиб, ўғил-қизлари улгайгач, ака-ука, қариндошлари қадрига қандай етсинлар?

Ҳар гал вақтинчалик айш-ишрат учун тинч ва хотиржам оилаларни вайрон қилиб, норасида гўдакларни тирик етим қилиб, тавқи лаънат келтираётган аёлларга оид мақолаларни ўқирканман, уйга толаман. Мен ҳам айрим

- Ўғилларим, мен ҳеч сизларга ўзимни ёки дадангизни опа-укаларини ёмонлаганманми? - деб савол бердим. Катта ўғлим: «Амакиларинг нима дейишса «Хўп» денлар, чунки амакидан отани, холадан о н а н и

КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

иси келармиш, - деб такрорлаганингиз такрорлаган-ку», - дея жавоб берди. Мен унинг бу сўзларидан хурсанд бўлдим.

Тарбияни биз «ундай қилма, бундай қил», деб эмас, ўзимизнинг одоб-ахлоқимиз, тутган йўлимиз, яшаш тарзимиз билан олиб бормогимиз лозим. Қариндош-уруғ, кўни-қўшилар билан муомала жараёнида пасткашликка йўл қўйсақ, фарзандларимиз ҳам биздан «андоза» олишлари мумкин.

Ўғил-қизларининг олдида отанинг

Кечкурунги таомдан сўнг болаларимга: беҳаёлларча сўкиниши, онанинг оғзига нима келса, андишасизларча айтиб юбориши уларни қўпол, бетга чопар бўлиб улгайишларига сабаб бўлади.

Ҳалигина қўшингиз билан «қизариш» дингиз. Айтилмай, фарзандингиз олдида юз берди бу воқеа. Сиз ушбу воқеани бошқа бир қўшингизга сўзлаб бераясиз. Сўзларингизга ҳеч бўлмаса 4-5 та ёлғон сўз қўшиб юбордингиз, дейлик. Болангиз ёнингизда эшитиб турибди. У албатта сиздан ан-

доза олади. Хўш, ўша фарзандингиз қиз бола бўлса-чи? Худо урди, деяверинг. Негаки, у балоғатга етиб турмуш кургач, уйда ўрганганини такрорлайди, кўп қоқилади. Қарабсиз-ки, ҳаётда бахтсизлар сони биттага ортади яна.

Азизларим, ота-оналик масъулиятимизни унутмаган ҳолда фарзандларимизни ҳар томонлама етук, одобли қилиб тарбиялайлик.

Улар Президентимиз таъкидлаганларидек, биздан кўра ақли, билимли, одобли, кучли бўлиб вояга етсинлар!

С. УЗОҚОВА

ларини эсламан. Наҳотки ҳозирги қизларнинг аксариятидан ҳаё-ибо, дея аталмиш фазилатлар йўқолиб кетаётган бўлса?!

Сўзим якунида ота-оналарга шундай демоқчиман: фарзандлар ҳолидан хабардор бўлиб, ҳар куни нима иш билан шуғулла-

ҚОШИНИНГ ҚОҚМАНГ, ҚИЗГИНА...

қизларнинг таъсири натижасида панд еганим туфайлими, қўлимга қалам олиб, дилдаги дардларимни тўқмоқча жазм этдим. Ўзимга ўхшаш талаба дўстларим билан Гулистон шаҳридаги истироҳат боғини кезиб юрар эканмиз, қаршимиздан ўтаётган қизларнинг биз — йиғитларга қараб нозу қарашма билан қўқисдан гап отишларидан ноқулай аҳволга тушамиз. Баъзи қиз-жувонларнинг кийинишини-ку қўяверинг. Кўзингни яширишга жой тополмайсан киши. Ярим яланғоч, қалта юбкаларда, эркакча тор шимларда юрган бу қиз-

бўлиб, тўғри йўлимни йўқотиб қўймайсайдим, гуноҳга ботмасайдим, деб қўрқаман ҳам. Бунда мен ёғолиб, ё мағлуб бўламан. Бу ожизлигим учун ўзимга нисбатан нафратим ҳам олади...

Наҳотки бир йиғит билан дон олишиб юрган қиз, эртага бошқа йиғитнинг бағрига бош қўйганда қийналмайди. Йиғитларимиз ҳам... Қани бизда гурур, виждон, иймон?

Шундай кезларда олис Қашқадарёнинг Китоб туманида яшовчи меҳрибон онажонимнинг аввалги қизлар қандай бўлганлиги тўғрисидаги хотира-

наётганлиги, ўқиши, юриш-туриши тўғрисида қайғуринг, улар ҳолидан хабар олиб туринг. Биламиз, сиз доимо бизнинг порлоқ келажакимизни ўйлайсиз, биз ҳам сизнинг оруз-умидларингизни рўёбга чиқариш учун ўқиб юрибмиш...

Курсдошларим Умид, Баҳром, Шавкат, Фозил ҳам: «Агар ушбу мақола чоп этилса, айрим курсдош қизларимизнинг ҳам хулқи ўзгариб қолса ажаб эмас», деган фикрдалар.

Аҳмаджон ОЧИЛОВ

Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлөзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-
наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акциядорлик компанияси**

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
№ 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 641. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.